

ХУҚУҚНИ МУҲОҲАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Лутфуллаева Феруза Бобоқуловна

Хуқуқ магистри, ТДЮУ қошидаги академик
лицейнинг етакчи ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7203848>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури 62-бандида хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик ва адолатни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни назарда тутадиган «Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган эди.

Лойиҳада:

фуқароларнинг хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қўмаклашиш хусусиятлари;

жамоат тартибини сақлашда ихтиёрий иштирок этишнинг шакллари, соҳалари, ваколатлар ва чекловлар;

аҳолининг жамоат тартибини сақлашдаги фаол ва самарали иштирокини рағбатлантириш турлари ва асослари назарда тутилиши кўрсатиб ўтилган. Аммо мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги ва унинг матни бўйича маълумотлар очиқ ахборот маконида мавжуд эмас.

Бизнингча, давлат махсус хизмати ҳисобланадиган хуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан шуғулланувчи органлар қайси эканлиги, уларнинг вазифа ва ваколатлари махсус, тўғридан-тўғри қонун билан тартибга солиниши, албатта, мақсадга мувофиқдир. Негаки, бугунги кунда мазкур органлар тоифасига қайси органлар кириши бўйича нафақат аҳоли, балки хуқуқшунослар орасида ҳам турли фикрлар мавжуд. Мазкур соҳани тартибга солувчи қонунчиликнинг тарқоқлиги ҳам бунга сабаб бўлувчи омиллардан ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимига қуйидаги давлат органлари киради. Булар: прокуратура, адлия органлари, ички ишлар органлари, давлат божхона хизмати органлари, давлат хавфсизлик хизмати органлари, Миллий гвардия, Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши

курашиш департаменти ва Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросидан иборат¹.

Россия Федерациясида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимига 6 та давлат органлари киради. Хусусан: прокуратура, ички ишлар органлари, федерал хавфсизлик хизмати, божхона органлари, Тергов қўмитаси ва адлия органлари киради².

Қозоғистон Республикасининг 2011 йил 6 январда қабул қилинган “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи хизматлар тўғрисида”ги ҚРҚ-380-IV-сон Қонуни 1-моддасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар деганда инсонлар ва фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳуқуқ ва эркинликларига, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек ўз ваколати доирасида давлатнинг қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминловчи, давлатнинг жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини амалга оширувчи, қонунийлик ва жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, тергов қилиш, жиноят ишлари бўйича суд қарорларини ижро этиш, қонунбузилиши ҳолатлари ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида махсус ваколатларга эга бўлган органлар тушунилади³.

Қонуннинг 3-моддасига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимига қуйидаги органлар киради:

- 1) прокуратура;
- 2) ички ишлар органлари;
- 3) Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;
- 4) Иқтисодий тергов хизмати.

Буюк Британияда континентал Европадан фарқли равишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ягона тизими шаклланмаган⁴. Тизим мамлакат қисмларига қараб белгиланган. Мисол учун, Англия ва Уэльсда полиция фаолияти 1964 йилда қабул қилинган “Полиция тўғрисида”ги Қонун (Police Act) билан тартибга солинса, худди шу номда 1967 йилда Шотландия, 2000 йилда Шимолия Ирландияда қабул қилинган қонунлар билан тартибга солинади. Полиция фаолиятига раҳбарликни бош констебл

¹ О.Тошев. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш керак. URL: <https://hsti.uz/?p=26283>

² М.Л.Подолук. О правоохранительной деятельности как разновидности государственной деятельности в Российской Федерации. Закон и право, 11/2018, стр. 83-85

³ Закон Республики Казахстан «О правоохранительной службе» (с изменениями и дополнениями по состоянию на 12.10.2021 г.) URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30916594

⁴ United Kingdom. <https://polis.osce.org/country-profiles/united-kingdom>

(chief constable) амалга оширади. Бундан ташқари мустақил констебллар ҳам бўлиб, улар маҳаллий полицияга бўйсунмайди. Ўзбекистон тажрибасида олиб қараладиган бўлса, улар профилактика инспекторлари вазифасини бажаради.

Хулоса ва таклифлар

Юқорида келтириб ўтилган илмий-назарий қарашлар ва ўрганилган хориж тажрибаси маълумотларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор хулосаларга келиш ва бу бўйича таклифларни бериш мумкин.

Хусусан, тергов органлари фаолиятини ташқи таъсирлардан ҳоли қилиш, тергов фаолиятида холислик ва қонунийликни янада таъминлаш мақсадида АҚШ, Буюк Британия, Россия Федерацияси, Беларусь ва Австрия каби давлатларнинг илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти негизида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан мустақил бўлган алоҳида тергов органи тузиш мақсадга мувофиқ. Бу тергов фаолиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ ҳозирда суриштирув ва дастлабки тергов прокуратура, ички ишлар ва давлат хавфсизлик хизмати органлари томонидан амалга оширилади. Терговчи гарчи дастлабки терговни амалга оширишда мустақил ҳисоблансада, ташкилий ва бошқа масалаларда бевосита прокурор, ички ишлар ёки ДХХ органлари бошлиқларига бўйсунди. Дастлабки терговни амалга оширувчи органлар эса амалда барча масалаларда мустақил бўлиши мақсадга мувофиқ бўлиб, жаҳон тажрибасида бу кўп бора ўз ифодасини топган.

Бугунги кунда жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки тергов асосан Ички ишлар вазирлигининг суриштирувчи ва терговчилари томонидан амалга оширилади. Ўзига тегишли бўлинма томонидан тергов қилинган иш бўйича айбдор деб топилган шахсга тайинланган жазонинг ижро этилишини ҳам шу орган амалга ошириши мақсадга мувофиқ эмас. Бундан ташқари жазоларни ижро этиш фаолиятини амалга ошириш “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 2 ва 4-моддаларида белгиланган ички ишлар органларининг асосий вазифалари ҳамда йўналишларига мос келмайди. Шу сабабли ҳозирда Ички ишлар вазирлиги таркибида бўлган Жазони ижро этиш бош бошқармасини АҚШ, Россия Федерацияси, Украина каби давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда алоҳида тузилмага айлантириш ёки бошқа бир холис ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган таркибига ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлар концепцияси ишлаб чиқиларкан, мавжуд давлат аппаратининг бир қисми сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини ҳам оптималлаштириш бўйича ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу мавжуд тизимнинг янада такомиллашиши ва халқаро стандартларга мувофиқ бўлишини таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

REFERENCES

1. О.Тошев. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш керак. URL: <https://hsti.uz/?p=26283>
2. И.А.Демидова. Правовая культура государственной правоохранительной службы в Республике Беларусь: деятельностный и ценностно-нормативный аспекты. Сибирское юридическое обозрение, Том № 17, 2020. Стр. 165-166
3. Закон Республики Казахстан «О правоохранительной службе» (с изменениями и дополнениями по состоянию на 12.10.2021 г.) URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30916594
4. OSCE Polis. United States of America. URL: <https://polis.osce.org/country-profiles/united-states-america>
5. Austria. Law Enforcement Agencies. URL: <https://www.europol.europa.eu/partners-collaboration/member-states/austria>
6. П.А.Раевский, С.А.Пархоменко. Организация правоохранительной системы в некоторых федеративных странах мира. Информационно-справочные материалы. М.: Комитет гражданских инициатив Фонд ИНДЕМ, 2020. Стр. 16-19
7. United Kingdom. <https://polis.osce.org/country-profiles/united-kingdom>